

ШАРТНОМА № 7

Андижон шаҳри

«04» 07 2022 йил

Ўз низомига асосан фаолият юритувчи «Gavhar Golden Tex» МЧЖ бундан буён «Сотувчи» деб юритилади, унинг номидан раҳбари Г.Асқарова бир томондан, Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси бундан буён «Харидор» деб юритилади, унинг номидан раҳбари А.Т.Рахматуллаев иккинчи томондан қуйидаги мазмунда шартнома туздик:

1. Шартнома мазмуни ва суммаси.

1.1.«Сотувчи» ўзига тегишли бўлган ва келишилган қуйидаги молларни етказиб беради, «Харидор» эса ушбу молларни қабул қилиб олиб ҳисоб китоб қилади.

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Мик дори	Нархи	Умумий қиймати ҚҚС сиз (сўм)
1	Ёритгич.(прожектор) Мощность 500W. Цветовая температура от 3000 до 6500K. Напряжение 100-240 V.Сила тока 2,0-2,2А. Степень защиты IP65. Температура эксплуатации от -40 до +50С. Частота 50-60Hz. Световой поток 16500-19500 Lm. Эффективность 110-130Lm/W. Индекс цветопередачи ≥80 Ra. Максимальная высота 24м. Габариты 1050x400x180 мм.	дона	10	1 845 000.0	18 450 000.0
Ж А М И:					18 450 000.0

1.2. Шартноманинг умумий суммаси: 18 450 000,0 (Ўн саккиз миллион тўрт юз эллик минг) ҚҚС сиз сўмини ташкил этади.

2. Ҳисоб-китоб тартиби.

2.1. Ҳисоб китоб «Харидор» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.2. Шартнома ҳудудий газначилик тизимидан рўйхатдан ўтиб, қучга киргандан сўнг 5 банк иш кунида «Харидор» етказиб бериладиган маҳсулотларнинг умумий суммасининг 30 % олдиндан аванс тариқасида "Сотувчи"нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. Қолган охириги 70 % "Сотувчи" томонидан етказиб берилган маҳсулотлар ҳисоб- варақ фактуралари асосида 90 кун ичида ўтказиб беради.

2.4. «Харидор» томонидан 30 % олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг «Сотувчи» 3 банк иш куни давомида мазкур шартномада кўрсатилган миқдорда ва нархларда маҳсулотларни «Харидор» га етказиб беради.


3. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

3.1. Томонлар бошқа томоннинг ҳужжатини расмийлаштирмаслиги ўқи нотўғри расмийлаштириш учун жавобгар эмасдирлар.

3.2. «Сотувчи» ҳуқуқлари ва мажбуриятлари:

-Берилган буюртмага мувофиқ етказиб берилган маҳсулотларнинг сифат ва миқдорини таъминлаш ҳуқуқига эга

асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қоп



-Агар “Товар (махсулот)”ни етказиб бериш жараёнида “Сотувчи” шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, “Харидор”нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 3 кун муддатда бепул тузатиб беришга мажбурдир.

3.3. «Харидор» ҳуқуқлари ва мажбуриятлари:

-Камчиликларни бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар “Харидор” ёки учунчи шахслар томонидан тўғриланишини харажатларини қопланиши талаб қилишга;

-Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қопланишини “Сотувчи”дан талаб қилиш ҳуқуқига эга.

4. Томонларнинг жавобгарлиги.

4.1. “Товар (махсулот)”ни белгиланган вақтда етказиб бермаганлиги учун “Сотувчи” “Харидор”га ўтиб кетган муддатнинг ҳар бир банк куни учун етказиб берилмаган махсулотнинг қийматидан 0.1 % миқдоридан, лекин шартноманинг 10 % дан ортмаган миқдоридан жарима тўлайди.

4.2. “Товар (махсулот)”ни етказиб бериш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятларини бажарилиши рад этилганлиги учун “Харидор”га белгиланган устамалардан ташқари етказиб берилиши керак бўлган “Товар (махсулот)”нинг 20 % миқдоридан жарима тўлайди. Жаримадан ташқари “Харидор”га “Товар (махсулот)”ни етказиб беролмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

4.3. “Товар (махсулот)”ни етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ нетказиб берилмаган тақдирда “Сотувчи” “Харидор”га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурий бажарилмаган қисмининг 0.5% миқдоридан пеня тўлайди. Бирок бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган “Товар (махсулот)” қийматининг 50% дан ортиқ бўлмаслиги керак.

4.4. Етказиб берилган “Товар (махсулот)” учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда “Харидор” “Сотувчи”га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4% миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50% дан ортиқ бўлмаслиги керак.

5. Низоларни ҳал этиш тартиблари

5.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қондага кўра, мустақил равишда улар судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Келишув билан ҳал қилинмайдиган низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан ҳал қилинади.


6. Коррупцияга қарши шартлар

6.1. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга ҳилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмагани, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинishiга йўл қўйилмагани, таклиф этилмагани, уларни беришга ваъда қилинмагани, шунингдек, моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устуңликлар олинмаганини (келажакда бу турдаги харажатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганини) қафолатлайди;

6.2. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмағирлик қилиш, ундаш, тазйиқ ўтказиш ёки таҳдид қилиш ҳолати бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

6.3. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан харажат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказилмаслигини қафолатлайди.

6.4. Шартноманинг тарафи ва у томонидан жалб қилинган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларга риоя этилмаганда, иккинчи тараф шартнома билан бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда шартнома қоллаб беришни тўхтатиб қилишга ҳақли бўлади.



7. Форс – мажор.

7.1. Томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар «ёнгин, сув тошқини, шу каби бошқа ҳолатларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари», агар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарлигидан озод этилади.

7.2. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан дарҳол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

8. Бошқа шартлар.

8.1. Шартнома ҳар иккала томоннинг бевосита келишувига биноан бекор қилиниши мумкин.

8.2. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилган ҳамда ҳар икки томонларнинг ваколатли вакиллари имзоси ва муҳрлари бўлган тақдирда ҳисобга олинади.

8.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, унинг бир нусхаси «Сотувчи» да иккинчи нусхаси «Харидор»да сақланади.

9. Шартнома муддати.

9.1. Шартнома томонлар имзолаган ва ҳудудий Газначилик бўлимида рўйхатга олинган кундан кучга кириб **31 декабрь 2022 йилгача** амал қилади.

9.2. Шартнома икки нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучли ҳисобланади.

10. Юридик манзили:

“СОТУВЧИ”

“ХАРИДОР”

“Gavhar Golden Tex” МЧЖ
Олтинкўл туман Чаккон-2 МСГ.
Маърифат кўчаси 398 уй.
Х/Р 20208000905515421001
ДАТ “Ўзмиллий банк” Андижон бўлими
МФО: 00074 ИНН: 309461931
ХХТУТ:

Раҳбар:  Г. Аскарова

М.У.

Юрист хулосаси:

Шартнома Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий Фуқаролик Кодекси талабларига мувофиқ тузилган деб ҳисобланади.

Андижон вилояти ИИБ

ANDIJON VILOYATI IIB
ANDIJON SH., A. NAVOIY KO'CHA 26-UY TEL:
STIR: 200237584
SHN/V: 40101000034017031101179001
O'ZB. RESP. MOLIYA VAZIRLIGI G'AZNACHILIGI
H/R: 23402000300100001010
MARKAZIY BANK BB HKKM TOSHKENT SHAKHI
MFO: 00014 G'AZNA STIR: 201122010

Раҳбар:  А.Т.Раҳматуллаев



ANDIJON VILOYATI IIB
HASHKILIY BOSHQARMA
KURIDA TAMILASH GURHI.
SHARTNOMA TASPRTIZADAN
QILINDI
Июль «04» 2022 йил № 226
